

THEORETICAL ASPECTS OF ORGANIZING INDEPENDENT EDUCATION

Sanjar Muhammadovich Rahimov
Chirchik State Pedagogical University

ABSTRACT

The article highlights the relationship in the 21st century of digital technology and technology in all aspects of life, conducting scientific research for talented youth and students in all institutions of the education system, training highly qualified, creative and systemically thinking personnel capable of making independent decisions based on international standards, for mastering in the field of information technology based on independent education and perfect mastery of the basics of programming, as well as the concept of "Digital Uzbekistan-2030", 2023, dedicated to quality education and determining the issues of improving its provision, which is the responsibility of training future teaching staff, creating new scientific and methodological samples and serves to further increase the literacy of the younger generation in the field of information technology.

Keywords: self-education, creativity, competence, pedagogical software.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Санжар Мухаммадович Раҳимов
Чирчик давлат педагогика университети

АННОТАЦИЯ

Мақолада 21 асрда ҳаёт ҳар жиҳатдан рақамли техника ва технологиялар билан боғлиқдир, таълим тизимининг барча муассасаларида иқтидорли ёшлар ва ўқувчиларга илмий изланишлар олиб бориш, мустақил таълим асосида ахборот технологиялари соҳасини чуқур ўзлаштириш ва дастурлаш асосларини мукаммал тарзда ўрганиб боришлари учун халқаро стандартлар асосида юқори малакали креатив ва тизимили фикрлайдиган мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, шунингдек рақамли Ўзбекистон-2030 концепсияси, 2023 йилни сифатли таълимга бағишилаб, унинг таъминотларини такомиллаштириш масалалари белгилаб берилган бу эса бўлажак ўқитувчи кадрларни тайёрлаш учун масъулиятни, янги илмий услубий масалларни келтириб чиқаради ва келажак авлоднинг ахборот технологиялари соҳасидаги саводхонлигини янада оширишга хизмат қиласди.

Калит сўзлар: мустақил таълим, креатив, компетентлик, педагогик дастурий воситалар.

В статье освещается взаимосвязь в 21 веке цифровой техники и технологий во всех аспектах жизни, проведение научных исследований для талантливой молодежи и студентов во всех учреждениях системы образования, подготовка высококвалифицированных, творческих и системно мыслящих кадров, способных принимать самостоятельные решения на основе международных стандартов, для освоения области информационных технологий на основе самостоятельного образования и в

совершенстве овладения основами программирования, а также концепция «Цифровой Узбекистан-2030», 2023 год, посвященный качественному образованию и определяющий вопросы совершенствования его обеспечения, что является обязанностью подготовки будущих педагогических кадров, создание новых научно-методических образцов и служит дальнейшему повышению грамотности подрастающего поколения в области информационных технологий.

Ключевые слова: самостоятельного образования, креативность, компетентность, педагогические программные средства.

Республикамида 2017-2021 йилларда жорий қилинган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари»да Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш, яъни ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортта кенг жалб этиш масалаларини ҳал қилишга қаратилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4199-сон қарорида Президент мактаблари фаолиятини самарали ва сифатли ташкил этишни таъминлаш, олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, интеллектуал қобилиятли ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш масаласи амалиётга жорий этилди.

Агар жаҳонда кечеётган кадрлар тайёрлашнинг асосий тенденцияларига эътибор қаратсак, рақобатбардошлиқ кадрлар тайёрлашга қўйилаётган энг асосий талаб бўлиб бораётганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Ҳозирги замон мутахассисининг шиддатли рақобат дунёсида ўз ўрнига эга бўлиши нафақат унинг ўзлаштирган билим даражасига, балки ўз устида мунтазам ишлаш кўникумларига, мустақил қарор қабул қилиш салоҳиятига ҳам боғлиқ. Шу боис ҳам узоқ муддат ҳукмронлик қилиб келган “таълим — бир умрга” ғояси ўз аҳамиятини йўқотиб “таълим — бутун умр давомида” ғояси кадрлар тайёрлашнинг муҳим тамойилига айланиб бормоқда. Айни мана шу заруратдан келиб чиқиб, мамлакатимиз олий таълим тизимида мустақил фикрловчи кадрлар тайёрлашга асосий эътибор қаратилмоқда.

Бинобарин, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йил гача ривожлантириш концепциясида” кадрлар тайёрлашдаги мавжуд муаммолар қаторида “талабаларда танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникумлари шакллантирилмаган”и алоҳида таъкидланган. Шундан келиб чиқиб, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш стратегик мақсад сифатида белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ёшларни «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида ўқитиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 29 ноябрдаги 716-сон қарори ҳамда Халқ таълими вазириининг 2021 йил 30 ноябрдаги 386-сон

буйруғига асосан «ўқув таълим-таъминот» ДУҚ томонидан умумтаълим мактабларининг компьютер синф хоналариға замонавий компьютер техникаси ва бошқа техник воситалар билан таъминлашга қаратилған чора – тадбирлар шулар жумласидандир.

Юқорида қисман санаб ўтилған, расмий ҳужжатларининг асослари, мулоҳазалар таълим тизимининг сиртқи бўлимлари, фанларининг мустақил таълим соатларини назорат қилишда олиб борилаётган таълим сифатига алоҳида эътиборни талаб қиласди.

Республикамизда умумий ўрта таълим тизимини кадрлар билан таъминлаш чора – тадбирлар кучайтирилганлиги, вилоятларда педагогикага ихтисослаштирилган олий таълим муассасалар сони ошганлиги, уларда кундузги ва сиртқи таълимлар очилиши бунинг яқол мисолидир.

Кадрларни тайёрлаш, айниқса Ахборот технологиялари соҳасидаги кадрларни мустақил таълими, сиртқи таълим асосида талаб даражасидаги кадр бўлишилари учун бир неча ёндашулар мавжуд. Аммо энг долзарб муаммолар деб қуидагиларни ҳисоблаймиз:

1. Сиртқи таълим ва мустақил таълимни сифатли ўқув манбалари билан таъминлаш;
2. Таълим муассасасидаги қутубхоналардан 24/7 тамойили асосида фойдаланиш;
3. Масофали видео курсларни такрор-такрор кўришни таъминловчи ўқитиш тизимлари;
4. Талабаларнинг билимлари ва қўнималарини аниқлаш, баҳолаш;
5. Инсон омилисиз автоматик текширишнинг педагогик – дастурий таъминотларини жорий қилиш.

Бу каби муаммоларни ҳал қилиш қундузги таълимда амалга ошириш мумкин, аммо сиртқи таълимда маҳсус ёндашув ва контент менежерларни талаб қилишини тажрабалар кўрсатиб бермоқда.

Мустақил таълимни ташкил қилишда олимларнинг олиб борилған илмий изланишларида таълим шаклидан қаътий назар ўқув манбалари, қутубхоналардан фойдаланиш, видео курслардан фойдаланиш бўйича дунёда, МДҲ давлатларида ва Республикаизда қатор илмий тадқиқотлар бажарилган.

Олий таълим муассасалари талабаларининг медиакреативлик даражасини медиаижодкорлиги ва медиарақобатлиги шакллантириш, медиатаълимни тадбиқ этишга тайёргарлигини баҳолаш юзасидан педагогик медиакомпетентлигини ривожлантиришга қаратилған ҳамда медиакреативлик каби даражасини таъминлаб берувчи мулътимидали ахборот-таълим ресурсларини ишлаб чиқиш методикаси яратилған ва жорий қилинган.[11]

Республикада ўқув контентларини шакллантириш асосида мустақил таълим орқали бўлажак педагог информатика ўқитувчиларини методик тайёрлаш тизимида Web-технологиялари ва кенгайтирилған Web 2.0/3.0 технологиялардан фойдаланиш, Web-технологияларни қўллаш компетентлиги мазмуни ҳамда адаптивлик, семантиклик ва ҳамкорликда ишлаш таълимий имкониятларидан келиб чиқиб Web-кузатувчи, Web-фойдаланувчи, Web-яратувчи компонентларини киритиш орқали педагогика олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ва малакавий (педагогик) амалиётни ташкил этиш, бошқариш механизми масофадан туриб бошқарилувчи электрон тақвим, электрон қундалик, электрон дарс таҳлили, электрон дарс ишланмалари асосида бойитишнинг методик асослари ва ишланмалари яратилған. [12]

Олий таълим муассасаларида инновацион методик лойиҳалар асосида талабалар мустақил таълимини ташкил этишда мобил ўқитиш тизимидан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиши асосида виртуал лаборатория орқали талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган мобил технологияларнинг дидактик имкониятларини WebQuest, Geomifiksya, M-Learning, M-Feyedback ўқитиш воситалари асосида Assesment, Pre-Vodcasting, RequuestBase, ExamSoft, мобил сўровнома, мобил викторина, Plickers каби инновацион лойиҳавий методларни креатив фаолият жараёнларига тизимли қўллаш продуктивлигини кенгайтиришга доир амалий таклиф ва тавсиялар асосида “Web-дизайн” фанини ўқитишида мобил қурилмалардан фойдаланиш учун дастурний воситани ишлаб чиқаришда фойдаланилган.[13]

Ахборот таълим мухитида талабалар мустақил ишларини ташкил этиш методикасини тақомиллаштириш бўйича мустақил ишлари виртуал лаборатория, вебинар, ижодий топшириқлар, мултимедиа иловалари асосида олиб бориш ҳамда ўзлаштириш даражаси бўйича аниқлашга қаратилган баҳолаш мезонлари ва модулли ўқитиш индикаторларини киритиш таклифини берган.

Ахборот технологиялари фани мисолида электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш орқали талабаларнинг мустақил таълим олиш методикасини тақомиллаштиришнинг назарий ва амалий асосларига бағишлиланган бўлиб, электрон таълим ресурслари ёрдамида талабаларнинг мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантириш методикасини тақомиллаштириш, таянч билимларни шакллантирувчи электрон таълим ресурсларининг компьютер тренажёрлари, имитацион ўйинлар, кросвордлар, мултимедиа тақдимотлари, электрон тестлар каби мотивацион ва дидактик имконияти ҳамда рефлексив кўникмаларни шакллантиришда ўзини-ўзи таҳлил қилиш, фаолиятни ва унинг натижаларини назорат қилишнинг педагогик имкониятига оид ҳамда талабаларда виртуал таълим мухитида мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантириш методикаси порталлари ва сайтлари орқали таълим олиш жараёнини қисман автоматлаштириш ва мустақил таълим топшириқларини онлайн бажаришнинг индивидуаллиги, узлуксизлиги ва амалиёт билан боғлиқлиги тамойиллари асосида тақомиллаштиришга оид тажрибалардан маълумотлардан “Таълим қорақалпоқ тилида ўқитиладиган мактабларнинг 8-9 синфлари учун аниқ фанлар бўйича электрон дарслик ва методик тавсия иловасини яратиш ҳамда ўқув жараёнига жорий этишда фойдаланилган.

Педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларини ва касбий компетенсияларини ривожланганлик даражаларини баҳолаш мезонлари информатика ўқитишида фойдаланиладиган телекоммуникация технологияларини мутахассислик касбий ва педагогик профессиограммасининг барқарор тенденсияларига рефлексив мослаштириш ҳамда баҳолашнинг телекоммуникацион мобил иловасини ишлаб чиқиши ғояси илгари сурилган.

Визуаллашган кластерли таълим мухитида талабаларга дастурлаш тиллари фанини ўқитиш методикасини тақомиллаштириш номли тадқиқот ишида педагогика олий таълим муассасаларида дастурлаш тиллари фанини ўқитиш асосида талабаларда касбий компетенсияларнинг мотивацион-қадриятли, ташкилий-мазмуний, когнитив-операцион

ва шахсий-рефлексив компонентларини шакллантириш методикаси (Euristic, Verbal, Visual) Visual Studio ва Android Studio дастурлаш контентида визуаллашган кластерли таълимни дифференсиал адаптивликда ташкиллаштириш.

Кластерли таълим муҳитида информатика фанидан дифференсиаллашган ўқитишни такомиллаштириш мавзусидаги тадқиқот ишида профессионал таълим муассасаларида информатика фанини дифференсиал ўқитиш орқали ўқувчиларда касбий компетенсияларнинг мотивацион-қадриятли, когнитив ва касбий-фаолиятли компонентларини шакллантиришнинг услубий-дидактик таъминоти мазмуни ҳамда тармоқ ўзаро ҳамкорликни стратегик ривожлантириш, ташкилий-педагогик, педагогик-психологик, предметли-дидактик шартшароитларни ва субъект-субъект ўзаро таъсиrlашувчи кластерли муҳитнинг тармоқ ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш асосида такомиллаштиришга мос методик ёндашулаар асослаб берилган.

Касб таълими ўқитувчиларининг билим ва қўникмаларини шакллантиришда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш методикасини такомиллаштириш номли диссертъация ишида - ахборот-коммуникация технологиялари воситасида бўлажак касб ўқитувчиларида билим ва қўникмаларнинг шаклланганлик даражалари, хусусан, педагогик фикрлашнинг тизимлиги, мустаҳкамлиги, педагогик билимларни интергациялаш ва қўллаш, рефлексия, педагогик масалаларни ечишдаги ижодкорликни аниқлаш кўрсаткичлари ва мезонлари ишлаб чиқилган.

Шунингдек, бўлажак касб таълим ўқитувчиларида педагогик билим ва қўникмаларни шакллантиришнинг лойиҳавий-технologик, мазмуний-методик, критериал-диагностик ва протессуал компонентлари бирлигини таъминловчи консенптуал модел асосланган.

Сиртқи талабалар учун маҳсус ёндашувлар асосида мустақил таълими жараёни компонентлари узвийлиги асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг билиш фаолиятини фаоллаштиришда замонавий ўқитиш воситаларини қуидагича белгилаб олинган:

- ўқув материалини дифренсиал тақдим этиш;
 - ўқув материалини таълим олувчилар тайёргарлиги даражасига қараб тақдим этиш;
 - билиш, баҳолаш, бошқариш, турли шаклда назорат қилиш;
 - интерфаол мулоқотни амалга ошириш)нинг дидактик имкониятлари аниқланган;
- Юқорида санаб ўтилган, замонавий ўқитиш воситалари асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини ахборот-технologик тайёрлаш жараёнида илмий-педагогик ёндашувларга асосланган ҳолда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллашнинг методик тизими ишлаб чиқилган;

Бу методик тизимнинг аосий элементларидан талабаларнинг мустақил таълими ва сиртқи талабаларнинг ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги аниқланди.

Таълимнинг мобиллашуви шароитида талабалар ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш масалаларини касб таълими йўналиши мисолида тадқиқ қилиш белгилаб олинган.

Тадқиқот давомида касбий таълим мобиллашуви шароитида талабаларнинг эвристик ва креатив компетентлик даражаларини ривожлантириш ва гностик, методик, ижодий-ташкилий, таҳлилий баҳолаш каби функцияларини инноватсионлик тамойили асосида

чуқурлаштириш орқали ўқув-билиш фаолияти мантиқий тузилмаси компонентларининг мазмуни такомиллаштирилган;

Бу эса талабаларнинг қисман ишлаб қисман ўқиши, мустақил таълим билан шуғулланиш имкониятини яратиб берувчи критик ёндашувларни аниқлаб беради.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида таълим шаклидан қаътий назар ўқув манбалари, кутубхоналардан фойдаланиш, видео курслардан фойдаланиш бўйича дунёда, МДХ давлатларида ва Республикаизда қатор илмий тадқиқотлар бажарилган.

Информатика ва унга турдош, ёки тўлдирувчилари каби ўрганиб келинаётган фанлар, масалан, Дастурлаш тиллари, Информатика ўқитиш методикаси, Компьютер графикаси, Web-дизайн, Маълумотлар базаси, Компьютер таъминоти ва тармоқ технологиялари каби фанларни олиш мумкин. Бу фанлар дастурий ва методик таъминотлари томонидан ҳам профессор ўқитувчилардан катта билим ва қўп вақт талаб қиласди. Янги фан сифатида унинг мазмунини ўрганиш, ОТМсида ўрганган билимлари асосида такомиллашиб борилади. Аммо янги дастурий воситалар, янги мазмундаги терминлар ва уларга боғлиқ тамоиллар ва технологиялар тажриба ортириш учун узоқроқ вақт талаб қиласди. Шу нуқтаи назарда Ахборот технологияларига оид фанлардан мустақил ишлари ва сиртқи таълим талабларининг билим олишларини лойиҳани бажариш ва охирига етказиш, яъни фан доирсида аниқ бир лойиҳани бажариб хulosалаб, асослаб бериш ҳам талабага ҳам профессор ўқитувчига анча қулайлик яратиб беради.

Ўқитувчи маълум бир фаннинг янги мазмунини ўрганиб чиқиши учун уни лойиҳа бараш жараёнида барча билимларни тасдиқини олиши ва маълум мъёрдаги тажрибага эга бўлади.

Юқорида мустақил таълимни яратиш бўйича олимларинг илмий изланишлари ва амалётга жорий қилингандигини айтишимиз мумкин.

Фан доираси мавзуларни аниқ белгилаш ва ўзлаштириш фан дастуридаги мавзулар кетма-кетлиги ва асосланганлига боғлиқдир. Ахборот технологиялари соҳасидаги билимларни эгаллашнинг энг мақбул усулларидан бири бу лойиҳани бажариш ва унинг натижаларини таҳлил қилишдир.

Бунга мисол Маълумотлар базаси фани бу ахборот технологияларида кенг ва жуда қўп фойдаланиладиган билимлар ўзида қамраб олган фандир. Бу фан бугунги кунда ихтиёрий ташкилот, дастурларнинг асосида хизмат кўрсатмоқда. Шунинг учун бўлажак информатика фани мутахассислари ёки битирувчилари бу фани чуқур билиши ва билимларни мактаб ўқувчиларига аниқ қилиб етказишлари зарур ҳисобланади.

Педагогика ОТМларида “Информатика фанни ўқитиш методикаси” таълим йўналишида бу фан қуидагича соатларда ўқитилади.

1- Соатлар тақсимоти

Фан номи-таълим тури	Ум. Соат	Ауд. соатлари	маъруза	амалий	лаборатория	Мустақил таълим	Семестр		
							4	5	6
Маълумотлар базаси (кундузги)	260	150	48	38	64	110	4	2	4
Маълумотлар базаси (сиртқи)	246	56	14	20	22	190	4	6	4

Жадвалдан кўриниб турибдики, қундузгига нисбаттан, сиртқи таълим талабарининг соатлари мустақил таълимда фарқли равишда берилган. Бу эса ўз навбатида сиртқи таълим талабалари учун мустақил таълимларни лойиҳаларни бошқариш асосида ташкил қилиш мумкинлигини кўрсатади.

ХУЛОСА

Юқори малакали қадрлар тайёрлашнинг муҳим омилларидан бири таълим сифати ва самарадорлигини оширишдир ўқитишининг замонавий усуллари, шакл ва воситалари, муаммоли ўқитиши, хусусан, мустақил таълим муҳим ўрин әгаллайди. Замонавий таълим жараёни талабаларга фақат билим бериш, уларда фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, олинган билимлардан фойдаланиш бўйича ўқув кўникмаларини шакллантиришдан иборат бўлмай, балки уларга мустақил билимларни қидириб топиш, ўзлаштириш шакллари, Ахборот технологиялари соҳасидаги блимларни әгаллаш, Маълумотлар базаси ўқув фанининг билимларини ўзида қамраб олиш ва маълумотлар базасини яратиш, электрон таълим ресурслари ёрдамида талабаларнинг мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантириш, усуллари, воситаларини ўргатишдан иборат.

Мустақил таълимда имкон даражада кўпроқ адабиётлар билан ишлаш, амалга оширилаётган янги тадқиқотлар, назариялар ва янгиликлардан хабардор қилиб бориш, инновацион жараёнларни эркин ўзлаштиришга ўргатиш ҳар жиҳатдан муҳим. Бунинг учун профессор-ўқитувчи узлуксиз равишда ўтаётган фани бўйича янгиликларни умумлаштириб бориши ва талабаларга тавсия эта олиш даражасига эга бўлиши керак.

НАТИЖА

Мақолада талабаларининг ўқиши фаолияти қунлик ва ҳафталик вақт меъёрлари бўйича меҳнат қонунчилигига мувофиқ белгиланган бўлиб талабалар ҳафтасида 40 соатгача ўқидилар бу қунлик дарс юклamasи 8 соатдан ошмаслиги зарурлигини англашади, ўқув юклamasи ҳам ўз навбатида аудитория соатлари ва аудиториядан ташқари мустақил ишларга ажратилган соатлардан иборатdir одатда аудитория ва аудиториядан ташқари дарс соатлари бакалавр таълим дастурида 1:2, магистратурада эса 1:3 нисбатни ташкил этиб бу бир аудитория соати икки ёки уч соатлик аудиториядан ташқари мустақил ишлар билан қўллаб-қувватланиш зарурлигини англашади.

Демак, бир ўқув курсига ажратилган кредит миқдори 10 га teng бўлса, аудитория соатларининг ўзи ўртacha 3 ёки 4 кредитни ташкил этиб қолган 6 ёки 7 кредит аудиториядан ташқари мустақил ишларга ажратилган талаба бир ҳафта давомида ўртacha 10-15 соат аудитория дарсларида, 25-30 соат аудиториядан ташқари мустақил ишлар билан банд бўлади.

Мустақил таълимни олиб боришида бир томонлама ёндашувдан воз кечиш керак. Профессор-ўқитувчилар ўзлари ўтаётган фанлардан мустақил таълимни турли услубларда ташкил этиши лозим, талабалар хилма-хил топшириқлар ва кичик тадқиқотлар асосида ўзларини ривожлантиришга қизиқтириш керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Хайтуллаева Нафиса Сахобиддиновна, фалсафа доктори “Бўлажак информатика ўқитувчиларини методик тайёрлаш тизимида Веб-технологиялардан фойдаланиш”, 13.00.02–Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (информатика) (педагогика фанлари) Тошкент-2017.
- 2.
3. Бабаджонов Салохиддин Собитджонович фалсафа доктори “Педагогика олий таълим муассасалари талабаларнинг медиакомпетентлигини ривожлантириш технологияси (Информатика ва аҳборот технологиялари фанини ўқитиш мисолида)”, Тошкент 2018.
4. Мамаражабов М. Қасб-ҳунар коллежларида информатика фанининг «Амалий дастурий таъминоти» бўлимини мазмуни ва ўқитиш методикаси.–Т., 2004. – 22 б.
5. Ақбаров Баҳодир Абдурахмонович умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида касбий тафаккурни шакллантиришнинг педагогик тизими 13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати Наманганд 2020.
6. Мўминов Б.Б. Информатикадан лаборатория машғулотлари учун дастурий таъминот // Педагогик маҳорат. –Бухоро, 2008. -№ 2. –Б. 59-63.
7. Саттаров Азамат Раевичнинг фалсафа доктори “Инновацион-методик лойиҳалар асосида талабалар мустақил таълимини ташкил этишда мобил ўқитиш тизимидан фойдаланиш”, 13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси информатика педагогика фанлари (PhD) диссертацияси автореферати. Жиззах давлат педагогика институти. Илмий раҳбар: Позилова Шаҳноза Ҳайдаралиевна: Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти.
8. Первый архив задач с автоматической системой проверки. [онлайн ресурс, мурожаат санаси 04.01.2020]. URL: <http://acm.uva.es> — сайт в испанском городе Вальядолиде.
9. Лутфиллаев М.Х. Педагогик дастурий воситалар ва улардан мультимедияли электрон дарсликлар яратишда фойдаланиш. // Халқ таълими. –Т., 2002. -№ 6. -Б. 99-101.
10. Закирова Ф. Научно-практические основы содержания и организации практических занятий по курсу «Методика преподавания информатике» // Педагогик маҳорат. – Бухоро, 2005. -№4. –С. 47-51.